

Куч – адолатда

Адл ила олам юзин обод қил!

2026 йил
15 май,
жума
№ 19
(1105)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.kuch-adolatda.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ИНТЕНСИВ САНОАТЛАШГАН БОҒЛАРНИ КЎПАЙТИРИШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудларда интенсив саноатлашган боғларни кўпайтириш чора-тадбирлари юзасидан йўғилиш ўтказди.

Мамлакатимизда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ва қишлоқ аҳолисини даромадли қилиш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда юртимизда 572,6 минг гектар боғ ва тоқзор мавжуд бўлиб, улар йилига 1 миллиард долларлик экспортни таъминламоқда, 882 минг нафар аҳолининг даромад манбаига айланган.

Шу билан бирга, ер ва сув ресурслари чекланган ҳозирги шароитда соҳадаги ўсишни фақат майдонларни кенгайтириш ҳисобидан эмас, балки ҳар бир гектардан олинадиган ҳосилдорлик ва даромадни ошириш орқали таъминлаш зарурлиги таъкидланди. Ўзбекистон 2030 йилга қадар озиқ-овқат маҳсулотлари экспортини 10 миллиард долларга етказишни мақсад қилган. Бунда интенсив, саноатлашган боғдорчиликни кенгайтириш муҳим омил бўлади.

Йиғилишда мавжуд боғ ва тоқзорлар ҳолати таҳлил қилинди. Ҳозирда 61 минг гектар эскирган ва 18 минг гектар яроқсиз боғларни янгилаш зарур. Айрим ҳудудларда бундай майдонлардан гектарига бор-йўғи 5 тонна ҳосил олинмоқда, йиллик даромад эса 10 миллион сўмга ҳам етмаяпти.

Мисол учун, Поп туманида 1 минг 200 гектар эски ва яроқсиз боғлар

мавжуд. Агар улар ўрнида экспортбоп навлар экилиб, қуритиш, саралаш ва қадоқлаш бўйича агрологистика марказлари ташкил этилса, ҳосилдорлик ва даромадни бир неча баробар ошириш мумкин. Мазкур туманда 84 гектарда барпо этилган экспортбоп гилос боғи тажрибаси ҳам интенсив боғдорчиликнинг амалий натижасини кўрсатмоқда. Хали тўлиқ ҳосилга кирмаган ёш кўчатлардан ҳам гектарига 7 тоннадан ҳосил олиниб, бир килограмм маҳсулот 8 доллардан экспорт қилинмоқда.

Шу боис, эски ва яроқсиз боғлар билан ишлаш бўйича янги тартиб жорий этиш таклиф қилинди. Бу жараёнда Агросаноатни ривожлантириш агентлиги боғ ва тоқзорларни яроқсиз деб топиш, саноатлашган боғлар барпо этиш ёки ҳайдаладиган ерлар тоифасига ўтказиш бўйича хулоса беради. 12 ой давомида саноатлашган боғ барпо этилмаган майдонлар учун ер ва сув солиғи ставкасини ошириш, бу ҳолат яна 12 ой давом этса, сувдан фойдаланишни чеклаш таклиф этилди.

Президентимиз ердан самарали фойдаланиш устидан назоратни рақамлаштириш зарурлигини таъкидлади. Эскирган ва янги саноатлашган боғлар ҳолатини космик тасвирлар орқали мониторинг қилиш бўйича ахборот тизими ишга тушириш топширилди.

Томорқа ва деҳқон хўжаликларидаги эски боғларни янгилаш ҳам эътибордан четда қолмаслиги кераклиги кўрсатиб ўтилди. Бунинг учун маҳалла банкири

орқали аҳолига 50 донгача кўчат ёки 2 миллион сўмгача қарз бериш, деҳқон хўжаликларига эса эскирган боғларни янгилаш учун 150 миллион сўмгача кредит ажратиш таклиф қилинди.

2026-2028 йилларда 168 минг гектар саноатлашган боғ ва тоқзорлар ташкил этиш режалаштирилган. Бунинг ҳисобига 2 миллиард доллар инвестиция жалб қилиниб, 258 мингта иш ўрни яратилиши кутилмоқда.

Бундай лойиҳаларни молиялаштириш ва амалий қўллаб-қувватлаш учун 9 та тижорат банки ҳудудларга бириктирилади. Улар саноатлашган боғларни тадбиркорларга тайёр ҳолда топшириш билан бирга икки йил давомида агротехника, молиявий ва ташкилий жиҳатдан кузатиб боради.

Йиғилишда интенсив боғ ташкил қилмоқчи бўлган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида тизим жорий этилиши белгиланди. Жойлардаги “Агростар” компаниялари тадбиркорлар билан улушдорлик асосида ҳамкорлик қилади. Бунда “Агростар” компаниялари устав капиталининг 50 фоизигача қисмида пул маблағи билан, тадбиркор эса ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи билан иштирок этади.

Тадбиркорларга “Агростар” компанияси улушини қайта баҳоламасдан 7 йил ичида бўлиб-бўлиб сотиб олиш ҳуқуқи берилади. Бу тизим эски боғ эгаларини ҳам манфаатдор қилади: улар янгиланган боғлардан орттирган даромади ҳисобидан улушни босқичма-босқич сотиб олиб, кейинчалик ин-

тенсив боғга тўлиқ эгалик қилиши мумкин бўлади.

Бундай лойиҳаларга банклар томонидан ҳар бир гектар учун 120 миллион сўмгача кредит ажратилади. Кредит вақтида қайтарилса, фоиз ставкасининг ярми компенсация қилинади. Шунингдек, саноатлашган боғларнинг парваришлаш харажатлари учун 3 йил давомида ҳар гектарга 5 миллион сўмдан субсидия берилади.

Сув тежовчи технологиялар, мевалик кўчат ва қишлоқ хўжалиги техникасини харид қилиш учун тадбиркорлар ислом молияси хизматларидан фойдаланиши мумкин бўлади.

Президентимиз йиғилишда сўзга чиққан тадбиркорларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглади. Уларнинг етиштирилган ёки импорт қилинган мевалик кўчатлар ва пайвандтаглар учун қўшилган қиймат солиғини ноль ставкада қўллаш, сув тежовчи технологиялар ўрнатилган саноатлашган боғларда қудуқлардан олинадиган сув учун солиқни 5 йил муддатга 1 сўм этиб белгилаш ҳақидаги таклифларини маъқуллади.

Мутасаддиларга эски ва самарасиз боғларни янгилаш, саноатлашган боғлар бўйича аниқ лойиҳаларни шакллантириш, банклар, ҳокимликлар ва тадбиркорлар ҳамкорлигини тизимли йўлга қўйиш, ҳар бир ҳудудда экспортбоп навлар, агрологистика ва қайта ишлаш қувватларини ривожлантириш юзасидан топшириқлар берилди.

ЎЗА

ОСИЁ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ИККИНЧИ ФОРУМИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли форум қатнашчилари!

Хонимлар ва жаноблар! Авваламбор, анжуманга ташриф буюрган меҳмонларимизни чин қалбимдан қутлаб, барчангизни Осиё хотин-қизларининг иккинчи форуми очилиши билан қизғин муборакбод этаман.

Асрлар давомида илм-фан, маданият ва цивилизациялар туташган боқий ва ҳамиша навқирон Бухоро шаҳрида жам бўлган сиз, азизларга самимий саломимини ҳамда энг эзгу тилакларимни изҳор этишдан мамнунман.

Мазкур форумни ўтказиш ташаббусини қўллаб-қувватлаб, анжуман ишида фаол иштирок этаётган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослашган муассасаларига, барча халқаро ташкилотларга, Осиё мамлакатларидан ташриф буюрган парламент делегациялари аъзоларига, сенатор ва депутатларга алоҳида миннатдорлик билдираман.

Маълумки, Осиё халқла-

рининг тарихи, маданияти, қадриятлари бир-бирига яқин ҳамда муштарак бўлиб, бу жиҳат минтақада барча соҳаларни ўзаро бирлаштирадиган, турли миллат аёлларини ҳамкорликка қорлайдиган омиллардан ҳисобланади.

Бугун Осиё қитъасида истиқомат қилаётган 5 миллиардга яқин аҳолининг қарийб ярмини аёллар ташкил этади. Биз уларнинг тимсолида нафақат нафосат соҳибаларини, балки мамлакатларимиз тараққиётини жадаллаштириш, халқлар фаровонлигини юксалтириш ва адолатли дунёни барпо этиш йўлидаги улкан бунёдкор кучни кўра-

миз. Сизларнинг юксак профессионал маҳоратингиз, бой билим ва тажрибангиз ҳамда бирдамликка қатъий интилишингиз кенг минтақамиздагина эмас, балки дунё миқёсида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилишга хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда) ►

БУХОРОДА ОСИЁ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ II ФОРУМИ

Бухоро шаҳрида “Аёлларга инвестиция – барқарор ўсиш асоси: хотин-қизларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва экологик имкониятларини кенгайтириш” мавзусидаги Осиё хотин-қизларининг II форуми ўз ишини бошлади.

Тадбирда 20 дан ортиқ хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан юқори мартабали иштирокчилар, жумладан, БМТ Бош қотиби ўринбосари, БМТ Аҳолишунослик жамғармаси ижрочи директори, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг аёл аъзолари, ҳукумат вакиллари, шунингдек, хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналари вакиллари иштирок этмоқда.

Шунингдек, форумда

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, етакчи аёллар, ишбилармон доиралар, сиёсатшунослар, ижтимоий соҳа фаоллари, олимлар ҳамда турли иқтисодий тармоқлари вакиллари, қарийб 250 киши қатнашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти форум иштирокчиларига табрик йўллади. Форумнинг очилиш маросимида Президент табригини Президент Администрацияси раҳбари Саида Мирзиёева ўқиб эшиттирди.

(Давоми 2-бетда) ►

Қонунчиликдаги янгиликлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари ҳамда давлат фуқаролик хизматчиларини қўллаб-қувватлашга доир бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

■ Парламент фаолияти



Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш кафолатлари мустақамланмоқда

Депутатлар дастлаб “**Ҳарбий хизматчилар мақоми ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида**”ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқди.

Мамлакатимизда мудофаа ва хавфсизлик соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, ҳарбий хизмат нуфузини ошириш, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий ҳимоясини

кучайтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Инсон кадрини улуғлаш тамойили асосида амалга оширилаётган ислохотлар ҳарбий хизматчилар учун муносиб хизмат ва яшаш шароитларини яратиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган.

(Давоми 2-бетда) ►

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, судларни ҳақиқий адолат қўرғонига айлантиришга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалда қўрилган самараларни бермоқда. Буни судлар томонидан 2025 йилда 422 нафар шахс оқлангани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

■ Шарҳ

Ҳакамлик судлари фаолиятини такомиллаштириш ва бюджет интизомини кучайтириш: янги ҳуқуқий босқич

Сўнгги йилларда Янги Ўзбекистонда низоларни муқобил ҳал қилиш механизмларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ҳакамлик судлари институти фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим восита сифатида шаклланиб бормоқда. Мазкур институтнинг ҳуқуқий асоси, аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустақамланган.

Мамлакатимизда ҳакамлик судлари институтининг ҳуқуқий пойдевори 2006 йилда қабул қилинган «**Ҳакамлик судлари тўғрисида**»ги қонун билан яратилган бўлиб, ушбу ҳужжатда ҳакамлик судлари нодавлат орган сифатида белгиланиб, улар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги иқтисодий низоларни ҳал этиши мустақамланган.

Шунингдек, қонун ҳакамлик муҳокамасининг асосий принципларини — қонунийлик, мустақиллик, ҳакамлик муҳокамаси маълумотларининг ошкор қилинмаслиги, ҳакам-

лик судьяларининг холислиги, диспозитивлик, ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилигини белгилаб берди.

Қонунда доимий фаолият кўрсатувчи ва муваққат ҳакамлик судларини ташкил этиш тартиби, ҳакамлик битими институти, ҳакамлик судьяларига қўйиладиган талаблар ҳамда низоларни кўриб чиқиш жараёни ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгилаб қўйилди. Шу билан бирга, амалиёт таҳлили ҳакамлик судлари фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг ҳуқуқий асосларини мустақамлаш ва айрим чеклов-



Фозилжон ОТАХОНОВ, юридик фанлар доктори, профессор, ҳакамлик судьяси

ларни аниқ белгилаш зарурлигини кўрсатди.

Хусусан, ҳакамлик судларида қонунга хилоф равишда давлат ҳокимияти органлари иштирокидаги, давлат харидмалардан келиб чиққан низоларни ҳам кўриб чиқишлиш ҳолатлари аниқланди.

(Давоми 3-бетда) ►

■ Оқлов

Инсонпарварлик тамойили

судларнинг оқлов ҳукмларида яққол намоён бўлмоқда

Ана шу оқланган шахслар орасида фарғоналик Хусниддин Пазиров ҳам бор.

Ҳўш, Ҳ.Пазиров нега ноҳақ жавобгарликка тортилганди?

Бу ҳақда батафсил фикр юритадиган бўлсак, Ҳ.Пазировга нисбатан жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти судининг 2017 йил 19 июндаги ҳукми билан айблов

эълон қилинган. Суд ҳукмида қайд этилишича, Фарғона вилояти прокуратураси иш юритишда бўлган жиноят иши доирасида вилоят ички ишлар бошқармасининг ҳужалик бўлими бошлиғи Хусниддин Пазировга нисбатан хизмат текшируви тайинланган.

(Давоми 2-бетда) ►



Қизимга мактублар

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Омон қолган Зиёмат Хусанов, албатта, булардан анчагача беҳабар бўлган. У кўзини очганда, ўзини ўрмонда кўради, атрофида ярадорлар, итлар, немис

соқчилари. У асирга тушиб қолганини билади. Кўп ўтмай уларни вагонларга ортиб, олиб кетишади. Зиёмат Хусанов аввал Словения, кейин Черногориядаги харбий лагерларда бўлади.

(Давоми 4-бетда) ►

Парламент фаолияти

Қонунчиликдаги янгиликлар

◄(Бошланиши 1-бетда)

Ушбу қонун лойиҳаси ҳам ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари, имтиёзлари, ка-фолатлари ҳамда уларнинг мажбуриятлари билан боғ-лик муносабатларни ком-плексо тартибга солишни на-зарда тутди.

Қонун лойиҳасида Ўзбе-кистон Республикаси Қу-ролли Кучлари таркибига кирувчи вазирлик ва идора-лар ҳарбий хизматчилари-нинг ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавоб-гарлиги, шунингдек, улар ва оила аъзоларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг аниқ механизмлари белги-лаб берилмоқда.

Хужжатга кўра, ҳарбий хизматчилар учун давлат томонидан кафолатланган ҳуқуқлар, эркинликлар, қо-нунчилик ҳужжатлари бил-лан белгиланган имтиёзлар, чекловлар, мажбуриятлар ва жавобгарлик мажмуи ҳарбий хизматчилар мақо-ми, деб белгиланмоқда.

Ижтимоий ёрдам ва хизматларнинг манзиллилиги таъминланади

Мажлисида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини давлат то-монидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомил-лаштиришга қаратилган қо-нун лойиҳасининг муҳока-маси ҳам қизғин кечди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини халқаро стандартлар асо-сида янада мустаҳкамлаш, уларнинг одил судловдан тўлиқ ва тенг фойдалани-шини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини манзилли ва самарали ташкил этиш назарда тутилмоқда.

Хусусан, қонун лойиҳа-сида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ва “Камбағал ои-лалар реестри” негизда шакллантирилган “Ижти-моий реестр”га киритилган оилаларни давлат томони-дан қўллаб-қувватлашнинг ягона механизмини жорий этиш тақлиф этилмоқда.

Унга мувофиқ, ижтимо-ий хизматлар, нафақалар, имтиёзлар ва бошқа кафо-латлар Ижтимоий реестрга киритилган оилаларга тақ-

Қонун лойиҳасида ҳар-бий хизматчи мақомига эга бўлиш ва уни бекор қилиш тартиби, хизматни ўташнинг ўзига хос хусусиятлари, хизмат интизоми ва хиз-мат мажбуриятларига доир талаблар аниқлаштирил-моқда.

Шунингдек, қонун лойиҳа-сида ҳарбий хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувват-лашнинг замонавий меха-низмлари алоҳида белгилаб қўйилган. Жумладан, уларни моддий таъминлаш, сифат-ли тиббий хизмат кўрсатиш, уй-жой билан таъминлаш, мажбурий давлат суғуртаси, пенсия таъминоти, хизмат вазифасини бажариш чоғи-да жароҳат олган ёки ҳалок бўлган тақдирда, компен-сация тўловларини амалга ошириш каби муҳим кафо-латлар қонун даражасида мустаҳкамланмоқда.

Мажлисида қонун лойиҳа-си депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қи-линди.

дим этилади. Бундан ташқа-ри, Солиқ кодексига ноги-ронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлашни рағбатлантирувчи қатор имтиёзлар киритилмоқда. Жумладан, I ва II гуруҳ ноги-ронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган юридик шахслар учун ижтимоий со-лиқ ставкаси 1 фоиз этиб белгиланмоқда. Ногиро-нлиги бўлган ходимларга ёр-дам кўрсатиш билан боғлиқ айрим харажатларни солиқ базасидан чегириш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, ногиронли-ги бўлган шахслар меҳнат қилаётган корхоналар учун мол-мулк ва ер солиғи бўй-ча қўшимча енгилликлар бериш тақлиф қилинмоқда. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ҳудудий бў-линмаларига ортиқча тўлан-ган нафақаларни ундириш юзасидан судга муурожаат қилишда давлат божини тўлашдан озод қилиш бел-гиланмоқда.

Қонун лойиҳаси депута-тлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Давлат фуқаролик хизматчисининг хорижда ўқиш даврида лавозими сақлаб қолинади

Шунингдек, мажлисида “Давлат фуқаролик хизма-ти тўғрисида”ги Ўзбеки-стон Республикаси Қону-нига давлат фуқаролик хизматчисининг касбий малакасини ошириш ка-фолатларини белгилаш-га қаратилган қўшимча киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, амал-даги қонунчиликда давлат фуқаролик хизматчиси хо-рижий таълим муассасала-рида ўқиш учун грант ютган тақдирда, унинг иш жойи ва лавозимини сақлаш бўйича ҳуқуқий кафолатлар мавжуд эмас.

Ушбу ҳужжат давлат фу-қаролик хизматчиларини янада қўллаб-қувватлаш, уларга кенг имкониятлар яратиш, давлат органлари ва ташкилотларида профес-сионал ва салоҳиятли кадр-лар қатламини шаклланти-ришни назарда тутди.

Қонун лойиҳаси билан давлат хизматчиси нуфузли хорижий таълим муассаса-сига магистратура ёки док-

торантурага ўқиш бўйича грант ютганда, иш берувчи-нинг ёзма розилиги асосида унинг иш ўрни (лавозими) сақланиши тақлиф этил-моқда.

Иш берувчи томонидан розилик беришда ўқув дас-турининг йўналиши ушбу давлат органи фаолияти билан бевосита боғлиқ бў-лишини инобатга олиш на-зарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасида ўқув дастури яқунлангандан сўнг давлат фуқаролик хизмат-чиси зиммасига тегишли давлат органи тизимида хо-рижда тахсил олиш даврига тенг муддатга ишлаб бериш мажбурияти ҳам юкланиши назарда тутилган.

Шунингдек, давлат фуқа-ролик хизматчисининг хо-рижда ўқиш даври унинг меҳнат стажига қўшиб ҳи-собланиши, кўп йиллик хиз-мати учун ҳар ойлик устама белгилашда инobatга оли-ниши назарда тутилмоқда.

Муҳокамалардан сўнг қо-нун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

ОСИЁ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ИККИНЧИ ФОРУМИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

◄(Бошланиши 1-бетда)

Хурматли анжуман иштирокчила-ри!

Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркин-ликлари, манфаатларини таъмин-лаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш Янги Ўзбекистон ислохотла-рининг устувор йўналишига айлан-ди. Зеро, аёлга эътибор – бу, аввало, инсон шахсига, унинг қадрига бўлган юксак эҳтиромнинг олий намунаси-дир. Хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш фақат сиёсий вазифа эмас, балки эркин ва фаро-вон жамият барпо этиш йўлидаги из-чил демократик янгиланишларнинг ажралмас қисми ҳамдир.

Сўнгги йилларда юртимизда ген-дер тенгликни таъминлаш бораси-да мустаҳкам ҳуқуқий ва институ-ционал пойдевор яратилди. Янги тахирдаги Конституция ҳамда “Ўз-бекистон – 2030” стратегияси аёл-лар ҳуқуқлари, оналик ва болаликни ҳимоя қилишнинг институционал ка-фолатларини мустаҳкамлади.

Кенг қўламли ислохотлар нати-жасида хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги улуши 35 фоизга, тадбиркорлик соҳасида 37 фоизга, сиёсий партиялар таркибида эса 49

фоизга етиб, Ўзбекистон бу кўрсат-кич бўйича халқаро рейтингларда етакчи мамлакатлар қаторидан жой олди. Хусусан, Парламентлараро Иттифоқ томонидан юритиладиган “Парламентдаги аёллар” рейтингда республикамыз 193 та мамлакат ора-сида 35-ўринга кўтарилди.

Ижро ҳокимияти тизимида раҳ-бар аёллар сафининг кенгайиши ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ор-ганларидаги иштирокининг ортиши давлат томонидан қарорлар қабул қилинишида инклюзивликни таъ-минламоқда.

Олий таълим муассасалари та-лабалари орасида аёллар улуши кескин ортгани, жумладан, магис-тратурада тахсил олаётган хо-тин-қизларнинг сони охириг беш йилда 11 каррага кўпайганини ис-лохотларимизнинг муҳим стратегик натижаси деб биламиз.

Айниқса, юртимизда хотин-қиз-ларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш тараққиётнинг устувор йўналишларидан бирига айланди. 2025 йилда 2,6 миллион нафар хо-тин-қизнинг даромадли меҳнат би-лан банд бўлишига кўмаклашилди. Ўзбекистон жорий йилда “Аёл, биз-

нес ва қонун” халқаро индексида ўз позициясини 43 поғонага яхшилаб, 190 та давлат ўртасида 48-ўринни эгаллаганини мамнуният билан қайд этмоқчиман.

Хурматли форум қатнашчилари!

Бугунги мураккаб даврда хо-тин-қизларнинг иқтисодиётдаги иштироки ҳамда улушини кескин ошириш, давлат ва жамият бошқару-видаги таъсирини кучайтириш, улар-нинг интеллектуал салоҳиятидан унумли фойдаланиш долзарбдир. Бу борада давлатларимиз тадбир-кор хотин-қизлари ўртасидаги кўп қиррали шерикликни кенгайтириш, бизнес форумлар ва халқаро тре-нинглар ўтказиб борилишидан ман-фаатдормиз.

Шунингдек, мамлакатларимиз ишбилармон аёллари имкониятла-рини янги босқичга олиб чиқиш мақ-садида ҳаётимизга шиддат билан қириб келаётган сунъий интеллект ва рақамли технологиялардан фой-даланиш кўникмаларини ўргатувчи, янги стартап лойиҳаларини қўп-лаб-қувватловчи платформа ташкил этиш тақлифини илгари сурамиз.

Эртага бутун дунёда “Халқаро оила куни” кенг нишонланади. Шарқ

давлатларида жамиятнинг мус-таҳкам пойдевори, кўргони бўлган оилавий қадрият ва анъаналарини безавол сақлаш сўнгги йилларда тобора долзарб масалага айланиб бормоқда. Мазкур форум доирасида мамлакатларимиздаги оила инсти-тутини тадқиқ этиш бўйича илмий муассасалар тармоғини шаклланти-риб, энг илғор тажрибаларни ўзаро алмашиш албатта ўзининг кутилган самарасини беради.

Умуман олганда, мазкур форум келгусида Осиёда барча даражада қарорлар қабул қилиш жараёнида аёлларнинг ролини оширадиган сер-маҳсул мулоқот майдонига айла-ниши шубҳасиз. Шу маънода ушбу анжуман доирасида сизлар барқа-рор тараққиётни таъминлаш бора-сида янги ташаббус ва эзгу ғояларни фаол илгари суришингизга қатъий аминман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат ва омад, ша-рафли фаолиятингизда зафарлар, форум ишига муваффақият тилай-ман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

БУХОРОДА ОСИЁ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ II ФОРУМИ



◄(Бошланиши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раи-си Танзила Норбоева кириш сўзида Ўзбекистонда ген-дер тенгликни таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига ай-ланганини қайд этди.

Ўтказилаётган форум Ўзбекистон Республика-си Президенти Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 80-сес-сиясидаги нутқида илгари сурган ташаббусининг ама-лий натижасидир. Маълум-ки, Самарқандда ўтказилган биринчи форум бундай му-

бустларни шакллантириш

майдониغا айланиши лозим. Бу майдон глобал таҳдид-ларга қарши курашишда аёллар бирдамлигининг ёрқин ифодасидир. Иқлим ўзгариши, камбағаллик, тенгсизлик ва турли камси-тишларга қарши самарали ечимларга фақат хотин-қиз-лар ўзларининг фаол ишти-роки орқалигина эришиш мумкин.

Шунинг учун ҳам турли соҳаларнинг фаол аёллари-ни қўллаб-қувватлаш, улар ўртасида халқаро ҳамкор-лик ва тажриба алмашину-вини кенгайтириш бугунги долзарб вазифалардан би-ридир.

Жумладан, мамлакати-мизда хотин-қизларнинг сиёсий жараёнлар ва қарор қабул қилиш тизимидаги иштироки тобора кенгайиб бораётгани, бугунги кунда Ўзбекистон парламен-тада аёллар улуши бўйича дунё-да 35-ўринни эгаллаётгани қайд этилди.

Сўзга чиққанлар бугун ҳеч бир давлат хотин-қиз-ларнинг имкониятларини кенгайтирмасдан туриб, барқарор тараққиётга эриша олмаслигини таъкидлади. Шу боис мазкур платформа нафақат мулоқот, балки уму-мий ёндашувлар, амалий ҳамкорлик ва қўшма ташаб-

бусларни шакллантириш

майдониغا айланиши лозим. Бу майдон глобал таҳдид-ларга қарши курашишда аёллар бирдамлигининг ёрқин ифодасидир. Иқлим ўзгариши, камбағаллик, тенгсизлик ва турли камси-тишларга қарши самарали ечимларга фақат хотин-қиз-лар ўзларининг фаол ишти-роки орқалигина эришиш мумкин.

Шунинг учун ҳам турли соҳаларнинг фаол аёллари-ни қўллаб-қувватлаш, улар ўртасида халқаро ҳамкор-лик ва тажриба алмашину-вини кенгайтириш бугунги долзарб вазифалардан би-ридир.

Жумладан, мамлакати-мизда хотин-қизларнинг сиёсий жараёнлар ва қарор қабул қилиш тизимидаги иштироки тобора кенгайиб бораётгани, бугунги кунда Ўзбекистон парламен-тада аёллар улуши бўйича дунё-да 35-ўринни эгаллаётгани қайд этилди.

Хотин-қизларнинг таъ-лим, илм-фан, инновация-лар ва тадбиркорлик соҳаларидаги имкониятла-

рини кенгайтириш Янги Ўз-бекистон ислохотларининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бугун олий таълим соҳасида қиз-лар улуши 53 фоизга, магис-тратурада эса 65 фоизга етган. Олимлар орасида хо-тин-қизлар улуши 60 фоизни ташкил этаётгани ҳам қайд этилди.

Хотин-қизларнинг иқти-содий фаоллигини ошириш, тадбиркорлик ва бандлик соҳаларидаги имкониятла-рини кенгайтиришга қара-тилган ишлар натижасида сўнгги ўн йилда аёл тадбир-корлар сони 3,7 баробарга

ошиб, 274 мингдан ортган.

Форум Осиё мамлакатла-ри ўртасида илғор тажри-балар алмашиш, хотин-қиз-ларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунчилик ва амалий механизмларни та-комиллаштириш, таълим, тадбиркорлик, инновация-лар ва сунъий интеллект соҳаларида қўшма дастур-ларни йўлга қўйиш учун муҳим платформа бўлиб хизмат қилиши қайд этилди.

Форум ўз ишини параллел сессиялар доирасида давом эттирди.

Зариф КОМИЛОВ,

ЎЗА мухбири



■Оқлов

Инсонпарварлик

ўзини айбсиз деб биларди.

Бунн қарангки, кейинчалик Янги Ўзбекистонда кечаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари унга умид бағишлайди. Шу боис Х.Пазиллов ҳимоячиси би-лан бирга Фарғона вилояти судига кассация шикояти билан муурожаат қилиб, ўзининг айбсизлигини исбот-ловчи бир қатор далилларни тақдим этди.

Ҳақиқатан ҳам, кассация инстан-цияси судида Хусниддин Пазиллов-нинг айбсизлиги ўз исботини топди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси, Миллий хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлиги томонидан 2014 йил 23 июнда тасдиқланган “Порахўрлик жиноятлари ҳақидаги ариза ва ха-барларни кўриб чиқиш, бу тоифада-ги жиноят ишларини тергов қилиш ва судда кўришда қонун талаблари-га қатъий риоя қилинишини таъмин-лаш бўйича Қўшма кўрсатма”нинг 8.1-бандида, ўзига нисбатан пора сўраб товламачилик қилинган ёки олиш-беришда воситачилик қилган шахснинг аризаси ҳар бир ҳолатда Жиноят процессуал кодексининг 22, 95-моддаларига асосан, сичковлик

билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва хо-лисона текширилиши, аризачининг кўрсатмаларидан ташқари бошқа объектив далиллар аниқланмагани-да жиноят иши кўзғатилишига, шахс қамоққа олинишига, жиноий жавоб-гарликка тортилишига йўл қўйил-маслиги, жиноят-процессуал қонуни талабларига риоя қилинмаган ҳолда олинган номақбул далиллар асо-сида жиноят иши кўзғатиш ҳақида қарор қабул қилинишига йўл қўйил-маслиги, 8.2-бандида эса, шахсни айблаш учун пора предметининг олинishi, қонунлар билан белги-ланган тартибда почта-телеграф ва электрон жўнатмалари, аудио ёки видеоёзувлар, телефон ёки бошқа мосламалар орқали амалга оши-рилган сўзлашувлар аниқланиши каби мезонлар билан асослантириш шартлиги қатъий белгиланган.

Шундан келиб чиқиб айтганда, Хусниддин Пазиллов пора бериш вақтида ушланмаган, пора предмети ҳисобланган пуллар ашёвий далил сифатида олинмаган, жиноят ишида унинг пора берганлигини тасдиқлов-чи видео ёки аудио ёзувлар, теле-фон сўзлашувлари мавжуд эмас.

◄ (Бошланиши 1-бетда)

Бунинг натижасида солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилиши, мансабдор шахсларнинг ўз хизмат вазифаларини суистеъмом қилиши кузатилди. Айрим ҳакамлик судьялари-га нисбатан жиноят ишлари қўзғатилди. Ваколатли судлар томонидан ҳакамлик судлари ҳал қилув қарорларини бекор қилиш ҳолатлари кўпайди. Агар иқтисодий судларда 2020 йилда 7 та ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори бекор қилинган бўлса, бу кўрсаткич 2023 йилда – 53 та, 2024 йилда эса – 391 тани ташкил қилди. Бу ҳолат ҳакамлик муҳокамаси жараёнида процессуал талабларга риоя этилиши ва ҳал қилув қарорлари сифатини янада ошириш зарурлигини кўрсатади.

Ўз навбатида, бу ҳакамлик судлари фаолиятини ташкил қилишнинг қонуний асослари ва улар томонидан қонунийликка риоя этилиши устидан назорат механизмларини такомиллаштириш, бу борадаги талабларни аниқлаштириш, ҳалқроқ стандартларга мослаштириш зарурияти мавжудлигини кўрсатди.

Шу муносабат билан 2026 йил 21 апрелда “**Ҳакамлик судлари фаолияти янада такомиллаштирилиши ҳамда бюджет интизоми кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**”ги қонун қабул қилинди.

Мазкур қонун билан амалдаги бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, ҳакамлик судлари фаолиятини тартибга солиш янги босқичга кўтарилди.

Биринчидан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга янги 175⁹-модда киритилди. Унга кўра, ҳакамлик судларини қонунга хилоф равишда ташкил этиш, давлат органлари, ташкилотлари ва муассасалари, давлат иштирокидаги корхоналар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳакамлик битими тарафлари сифатида иштирок этиши, шунингдек, ушбу субъектлар томонидан ҳакамлик суди қарорларининг қонунга хилоф равишда ихтиёрий ижро этилиши учун мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солиш назарда тутилди. Шу билан бирга, ушбу ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил ичида такроран содир этилса, мансабдор

Шарҳ

Ҳакамлик судлари фаолиятини такомиллаштириш ва бюджет интизомини кучайтириш:

янги ҳуқуқий босқич

шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима қўлланилиши белгиланди. Мазкур норма ҳакамлик судлари фаолиятида қонунийлик ва интизомни мустаҳкамлаш, давлат манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилувчи муҳим ҳуқуқий кафолат ҳисобланади

Иккинчидан, «**Ҳакамлик судлари тўғрисида**»ги қонунга қуйидаги ўзгартишлар киритилди. **Биринчи**, «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасига киритилган ўзгартишлар орқали доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг ҳуқуқий мақоми аниқлаштирилди. Хусусан, доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг низоми уни ташкил этган нодавлат-нотижорат ташкилот томонидан тасдиқланганидан локал ҳужжат сифатида белгиланди. Шунингдек, қонундаги «юридик шахс» атамаси «нодавлат-нотижорат ташкилот» атамасига, «нодавлат орган» атамаси эса, «нодавлат тузилма» атамасига алмаштирилди. Бу ўзгаришлар ҳакамлик судларининг институционал мақоми аниқроқ белгилашга хизмат қилади. **Иккинчи**, қонуннинг 5-моддаси янги тахрирда баён қилиниб, давлат органлари, ташкилотлари ва муассасалари, давлат иштирокидаги корхоналар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳакамлик судларини ташкил этиши ёки ҳакамлик битими тарафлари бўлиши мумкин эмаслиги мустаҳкамланди. Мазкур норма давлат манфаатларини ҳимоя қилиш ва ҳакамлик муҳокамасини хусусий-ҳуқуқий муносабатлар доирасида сақлашга қаратилган. **Учинчи**, қонуннинг 6-моддасига киритилган ўзгаришларга мувофиқ, доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари фақат нодавлат-нотижорат ташкилотлари томонидан ташкил этилиши белгиланди. Шу билан бирга, бундай судни ташкил этиш учун ҳакамлик суди қондалари ва камида уч нафар ҳакамлик судьясидан иборат рўйхатни тасдиқлаш талаб-и жорий этилди ҳамда суд ташкил этилганлиги ҳақидаги

ҳужжатларни тегишли адлия органига тақдим этиш мажбурияти белгиланди. **Тўртинчи**, қонуннинг 9-моддаси янги тахрирда баён қилиниб, ҳакамлик судларининг ваколат доирасига муҳим чекловлар киритилди. Жумладан, маъмурий, оилавий ва меҳнат муносабатларидан келиб чиқувчи ишлар, ер билан боғлиқ ишлар, бинолар ва иншоотларга эгалик ҳуқуқини белгилашга оид низолар, шунингдек, бюджет тизими маблағларини ундириш билан боғлиқ ишлар ҳакамлик судлари томонидан кўриб чиқилмаслиги мустаҳкамланди. **Бешинчи**, қонуннинг 14-моддасига мувофиқ, ҳакамлик судьялари учун махсус ўқув курсларидан ўтиш ва касбий малакасини мунтазам ошириб бориш мажбурияти жорий этилди. **Олтинчи**, қонуннинг 35-моддаси янги норма билан тўлдирилиб, муайян ҳакамлик муҳокамасида ҳакамлик судьяси сифатида иштирок этган шахс кейинчалик шу ишда тарафларнинг вакили бўлиши мумкин эмаслиги белгиланди. Бу манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва муҳокама ҳолиселигини таъминлашга хизмат қилади. **Еттинчи**, қонуннинг 46-моддаси янги тахрирда баён қилиниб, ваколатли судга ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини бекор қилишни сўраб, ариза бериш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доираси кенгайтирилди ва процессуал кодексларга тўлиқ мослаштирилди. Хусусан, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахслар эса, ҳакамлик суди ҳал қилув қарори қабул қилганлиги уларга маълум бўлган кундан эътиборан ўттиз кун ичида ваколатли судга ушбу ҳал қилув қарорини бекор қилишни сўраб, ариза бериши мумкинлиги белгиланди. **Саккизинчи**, қонуннинг 49-моддасига киритилган ўзгартишларга мувофиқ, давлат органлари, ташкилотлари ва муассасалари, давлат иштирокидаги корхоналар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳакамлик суди қарорларини ихтиёрий ижро этишга йўл қўйилмаслиги белгиланди. Бу давлат маблағи ва манфаатларини ҳуқуқий жиҳатдан қўшимча ҳимоя қилишга

қаратилган муҳим ҳуқуқий кафолат ҳисобланади.

Учинчидан, Бюджет кодексининг 29-моддасига киритилган қўшимчага мувофиқ, бюджет тизими маблағларини ундириш билан боғлиқ суд муҳокамаларида ваколатли молия ва фазначилик органларининг иштироки кучайтирилди. Энди улар қонунда белгиланган тартибда судларда иштирок этиши, бюджет манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида аризалар, даъво аризалари ва шикоятлар киритиши, шунингдек, жиноят аломатларини кўрсатуви ҳолатлар аниқланган тақдирда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериши белгиланди.

Шунингдек, Бюджет кодексининг 187-моддасига киритилган ўзгартишлар орқали фазначилик назорати тизими мустаҳкамланди. Жумладан, фазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилмаган ёки рўйхатдан ўтказиш рад этилган шартномалар, шунингдек, уларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар асосида товарлар, ишлар ёки хизматларни қабул қилиб олиш тақиқланди. Бу эса, давлат маблағларининг мақсадсиз сарфланиши, молиявий интизом бузилиши ва асоссиз мажбуриятлар юзга келишининг олдини олишга қаратилган муҳим ҳуқуқий механизм ҳисобланади.

Тўртинчидан, Фуқаролик процессуал ва Иқтисодий процессуал кодексларига киритилган ўзгартишлар суд ҳимоясининг кафолатларини кучайтиришга қаратилган. **Биринчи**, Фуқаролик процессуал кодексининг 56-моддасига (Иқтисодий процессуал кодексининг 65-моддасига) киритилган қўшимчага мувофиқ, ҳакамлик судьялари ҳакамлик муҳокамаси давомида ўзларига маълум бўлган ҳолатлар юзасидан гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин эмаслиги белгиланди. Мазкур норма ҳакамлик муҳокамасининг махфийлиги ва мустақиллигини таъминлашга қаратилган муҳим ҳуқуқий кафолат ҳисобланади. **Иккинчи**, Фуқаролик процессуал кодексининг 70-моддасига киритилган янги нормага кўра, муайян низо бўйича ҳакамлик муҳокамасида ҳакамлик су-

дьяси сифатида иштирок этган шахс кейинчалик шу иш юзасидан суд муҳокамасида вакил сифатида қатнашиши мумкин эмас. Бу манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва суд муҳокамасининг ҳолиселигини таъминлашга хизмат қилади. **Учинчи**, Фуқаролик процессуал кодексининг 349-моддасига (Иқтисодий процессуал кодексининг 223-моддасига) киритилган қўшимчага мувофиқ, ҳуқуқлар ва мажбуриятлари ҳақида ҳакамлик суди ҳал қилув қарори қабул қилинган, аммо ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларга ҳам мазкур қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқи берилди. **Тўртинчи**, Фуқаролик процессуал кодексининг 350-моддаси (Иқтисодий процессуал кодексининг 224-моддаси) янги норма билан тўлдирилиб, ишда иштирок этмаган шахслар ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳақида ариза берганда зарур ҳужжатларни тақдим эта олмаган тақдирда, суд мазкур ҳужжатларни уларни сақлаётган шахслардан мустақил равишда талаб қилиб олиши мумкинлиги белгиланди. Бу эса, суд ҳимоясидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва процессуал адолатни таъминлашга хизмат қилади.

Бешинчидан, «**Давлат харидлари тўғрисида**»ги қонуннинг 27-моддасига киритилган ўзгартишга мувофиқ, давлат харидлари жараёнида тузилган шартномаларни тегишли фазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказиш талаби қўшимча равишда мустаҳкамланди. Мазкур норма давлат харидлари соҳасида молиявий интизом ва шаффофлиқни кучайтириш, бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан назоратни таъминлаш ҳамда асоссиз ёки қонун талабларига зид шартномалар тузилишининг олдини олишга хизмат қилади.

Умуман олганда, ушбу қонун ҳакамлик суди институтини ривожлантириш ва уни замонавий талабларга мослаштиришда муҳим босқич бўлди. Аниқроқ айтганда, қонун Конституциямизда белгиланган ҳуқуқий кафолатларни амалда таъминлаш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда давлат молиявий манфаатларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу маънода, ушбу қонунни Янги Ўзбекистонда низоларни муқобил ҳал этиш тизимини янада ривожлантиришга қаратилган муҳим комплекс ислохот сифатида баҳолаш мумкин.

Бу ҳаётда ҳар бир инсон вояга етиб, оила қуради, аввало, бахтли турмуш кечиришни истайди. Албатта, бунинг учун фақат истакнинг ўзи етарли эмас. Чунки оила деб аталмиш бўстонда ҳаёт ҳамisha ҳам бир текис кечмайди. Бу эса, эр ва хотиндан сабр-тоқатли, оила масъулиятини чуқур ҳис этиш ва фойдой бўлишни талаб этади. Акс ҳолда, арзимаган гап-сўз, ўткинчи низолар ҳам оилавий турмуш барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Турмуш чорраҳаларида

Фарзандини унутган ота

Бунга ҳаётий мисоллар кам эмас. Масалан, Хайрулла Қодиров бир дунё орзу-ният билан Азиза исмли қизга уйланади. Орадан йиллар ўтиб, улар ўғил фарзанд кўришади. Аммо фарзандларининг дунёга келиши ҳам оила ришталарини мустаҳкамлай олмайди. Рўзгордаги майда-чуйда гап-сўзлар аста-секин оилани барбод қилди.

Энг ёмони, Х.Қодиров ота экани, фарзанди борлигини унутди, яъни боласининг таъминоти билан асло қизиқмади. Қийин аҳволда қолган она эса, охир-оқибат алимент ундириш мақсадида судга мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро суди Х.Қодировдан вояга етмаган фарзанди учун ҳар ойда даромадининг тўртдан бир қисми миқдорида алимент ундириш тўғрисида суд буйруғи чиқарди. Аммо Х.Қодиров суд буйруғига ҳам беписандлик билан қаради.

Аниқроқ айтганда, у суд ижрочилари томонидан вояга етмаган фарзандига алимент тўлаши шартлиги тўғрисида бир неча марта огоҳлантирилганига қарамай бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмайди.

У суд томонидан фарзанди таъминоти учун мажбурий ундирилиши керак бўлган 23.976.516 сўм миқдордаги алиментни тўлашдан қасддан бўйин товлайди.

Оқибатда суд буйруғини бажармагани учун унга нисбатан ҳужжатлар тегишли тартибда расмийлаштирилди ва судга ўтказилди. Шу асосда Х.Қодировга суд томонидан 15 сутка маъмурий қamoқ жазоси тайинланди.

Аммо у ўзига нисбатан тайинланган маъмурий жазодан ҳам тегишли хулоса чиқариб олмайди. Натижада унга



нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Яқинда ушбу жиноий иши судда кўриб чиқилди. Суднинг ҳукми билан Х.Қодиров бир йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Шунингдек, судланувчидан жабранувчи она фойдасига 11.011.180 сўм ундириш белгиланди.

Амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ, ота-она вояга етмаган фарзандларига таъминот бериши шарт. Агар ота-она таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаса, суднинг ҳал қилув қарорига ёки буйруғига асосан алимент ундирилади. Қолаверса, жиноий жазо олган жавобгар ота фарзандлари олдидаги мажбуриятларидан озод қилинмайди.

Ҳаётда баъзида ана шундай нохуш ҳолатлар ҳам учраб тургани афсусланарлиқдир. Отанинг ўз фарзанди тақдирига бу қадар бефарқ қараши кечирилмайдиган ҳолат. Шу боисдан ҳам, бундай кимсаларга нисбатан қонунчиликда қатъий жавобгарлик чоралари кўзда тутилган.

Оила жамиятнинг кичик бир бўлаги ҳисобланиб, унинг мустаҳкамлиги юртнинг келажакни белгилувчи омилдир. Шундай экан, оила мустаҳкамлигини таъминлашга, фарзандлар таълим-тарбиясига ҳар биримиз масъул эканлигимизни унутмайлик.

Жаъфар ҚУРБОНОВ,
жиноят ишлари бўйича
Чилонзор тумани суди
тергов судьяси

тамойили

судларнинг оқлов
ҳукмларида
яққол намоён
бўлмоқда



Бундан ташқари Б.Ҳақимовнинг пора олганлиги ўз тасдиғини топмаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2022 йил 22 августдаги ажрими билан у Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми “а” банди, 28, 210-моддаси 3-қисми “а” банди, 28, 211-моддаси 3-қисми “а” бандлари бўйича Жиноят процессуал кодексининг 83-моддаси 1-бандига асосан, оқланган. С.Карабаев эса Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 9 октябрдаги ажрими асо-

сида Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми “а” банди (эски тахрирдаги) ва 28, 211-моддаси 3-қисми “а” банди бўйича реабилитация қилиниб, оқланган. Албатта, ушбу суд қарорлари ҳозир қонуний кучда. Шундай экан, Хусниддин Пазилонинг 20.000 АҚШ долларини айнан кимга пора сифатида берганлиги очиқ қолган. Қолаверса, жиноят ишини кассация инстанцияси судида кўриш давомида ҳам ушбу айбловни тасдиқловчи далиллар аниқланмади.

Бу эса, тергов органининг Х.Пазилон 20.000 АҚШ долларини С.Карабаев ва Б.Ҳақимовга пора тариқасида

берганлиги ҳақидаги хулосаси тўлиқ таҳминларга асосланганлигини, бу хулоса ишончга сазовор эмаслигини тасдиқлаб турибди. Энг муҳими, жиноят ишини кассация инстанциясида кўриш жараёнида Х.Пазилоннинг айбдорлигига оид шубҳаларни бартараф этиш имконияти тугаган. Ҳолат юзасидан бошқа далиллар тўплаш имкониятлари ҳам мавжуд эмас.

Бош Қомусимизнинг 28-моддасида “**Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошқора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний қучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча**

Буни қарангки, кейинчалик Янги Ўзбекистонда кечаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари унга умид бағишлайди. Шу боис Х.Пазилон ҳимоячиси билан бирга Фарғона вилояти судига кассация шикоятини билан мурожаат қилиб, ўзининг айбсизлигини исботловчи бир қатор далилларни келтиради.

айбсиз деб ҳисобланади. Айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланади. Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак.” дея қайд этилган. Ана шу ҳуқуқий асосларга таянган Фарғона вилояти суди жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти судининг 2017 йил 19 июндаги ҳукмининг Хусниддин Пазилонга оид қисмини бекор қилиб, уни айбсиз деб топди ва оқлади. Суд ҳукмида оқланувчига ўзига етказилган мулкый, маънавий ва бошқа зиён оқибатларини Жиноят процессуал кодексининг 304-312-моддалари тартибда бартараф қилиш ҳуқуқи ҳам тушунтирилди.

Эътироф этиш керакки, сўнгги йилларда мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари ҳамда “Инсон қадрини учун” тамойили натижасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг асосий вазифаси сифатида белгиланиб, фуқароларнинг одил судловдан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилди. Бу эса халқни рози қилишдек эзгу мақсадлар рўёбинини таъминлайди.

Бурҳонжон МАМАЖОНОВ,
Фарғона вилояти суди судьяси

Бугунги кунда дунё ҳамжамияти тараққиётнинг янги босқичига кўтарилди: ҳар бир соҳада ракамлаштириш орқали илгари кузатилмаган улкан утуқларга эришилмоқда. Бироқ, афсуски, эски иллатлар ҳам йўқ эмас. Хусусан, коррупция — жамият танасига ёпишиб, уни ичидан емирадиган хавфли иллатдир.

Жиноят ва жазо

Нафс қутқуси
жиноий
жавобгарликка сабаб бўлди

Айтиш керакки, коррупция фақат пора олиш ёки беришдан иборат жиноят эмас, балки ўзаро ишончга хиёнат, жамиятдаги устувор адолатга ғубор, тараққиётга қарши қўйилган ғовдир.

Президентимиз таъбири билан айтганда, **бу иллат — давлат тараққиётига тўсиқ бўладиган, адолат ва қонун устуворлигини издан чиқарадиган, жамиятда ишонч муҳитини заифлаштирадиган энг жиддий таҳдиддир.** Бинобарин, давлатимиз раҳбари 2026 йилда мамлакатимизда коррупцияга қарши

“фавқулодда ҳолат” эълон қилгани бежиз эмас. Бундан мақсад — коррупцияга қарши курашиш бўйича белгиланган чора-тадбирларни мустаҳкамлаш ва тубдан кучайтиришдир.

Янги Ўзбекистон сиёсати билан асосланган экан, демак, ҳар қандай коррупциявий ҳолатга — айнан шу тамойилга қарши чиқиш, деб қаралиши табиий. Зеро, инсон қадрини — унинг адолатли тизимда яшаш ҳуқуқи, деганидир.

(Давоми 4-бетда) ►

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Шу ерда Туркистон комитети вакиллари мусулмон совет солдати ва офицерлари билан учрашиб, Туркистон легиони тузишни, озод Ўзбекистон учун курашни таклиф қилдилар. Аввал бу таклифга рози бўладиганлар чиқмади. Бир куни Худойбердиев деган лейтенант 30 га яқин одамни йигиб, рози бўлишни, кийим, қурол беришганидан сўнг югослав ва булғор партизанлари томонига ўтиб кетишни таклиф қилади. Чунки унинг фикрича, асир тушганларга барибир ватанда ишонч йўқ, ё отиб ташлашади, ё Сибирга сургун қилиб, қириб юборишади. Агар у айтгандек қилишса, партизанлар билан немисларга қарши уришса, уларни кечиришлари ва яна Қизил армия сафига олишлари мумкин. Узоқ мулоҳаза-ўйлардан сўнг 28 киши Худойбердиевга қўшилиди.

Улар орасида Зиёнат Хусанов ҳам бўлган. Икки ой тайёргарликдан сўнг уларга легион кийимини кийдириб, немис солдатлари билан бирга партизанларга қарши курашга ташландилар. Аммо партизанларга бир дона ҳам ўқ узмай, легион аъзолари ҳар ёққа қочиб кетадилар. Немислар билан отишма бўлади. Отишмага Худойбердиев раҳбарлик қилади. Қанча одам биз томондан, қанча немислардан ўлгани, ярадор бўлганини Зиёнат Хусанов билмайди. Худойбердиев буйруғи билан қизгин отишма пайти партизанлар борлиғи фараз қилинган томонга қочади.

Уч кун деганда, бир ўрмончининг уйига етиб боради. Кечаси уникига қириб, ўзини таништиради. Эртаси кун ўрмончи уни булғор партизанларига топширади. Легиондаги қолган 27 киши билан нима бўлганини Зиёнат ака билмайди. Афтидан, кўпчилик отишма пайти ҳалок бўлган ёки яна немислар қўлига тушган.

Зиёнат Хусанов тарихини мен Йордан Милевга айтиб бердим. «Ўзбекистон маданияти» газетасида бир неча очерклар ёздим. Йордан



Тарих тилсимлари

Булғорияга қайтиб, Зиёнат аканинг партизан командири, генерал Боян Михнев-Чабановни топди. Уларнинг ҳаракати билан мен ёрдам бериб, турли идораларга мурожаатлардан сўнг Зиёнат Хусановга 1968 йили 9 майда қайтадан Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. Яхши хабар одамни қанчалик ўзгартиб юборишини мен ўшанда кўрдим. Зиёнат Хусанов қари, касалванд одамдан бирдан ёш, қирчиллама йигитга айланиб кетди. У билан дўстлигимиз унинг ўлимигача давом этди. У ҳар ёзда бизникига келиб, сўрида бир-икки соат ўзининг янги, мутлақо беташвиш ҳаётидан гапириб бериб ўтирарди. У урушдан қайтганидан кейин асирда бўлганлиги сабабли Тошкентдан эллик километр нарига чиқариб юборилган, Сайрамда кичкина уй қилиб, шунда яшарди, мактабда математикадан дарс берарди.

Унинг тарихида уни, мени ва Йорданни ҳайратга солган одамийликка ҳилоф иккита воқеа бор эди. Биз бу воқеаларни эсламасликка интилдик. Лекин ҳозир ёзмасам кўнглим жойига тушмайди. Зиёнат Хусанов Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига лойиқ топилганда ва у ҳалок бўлган, деб ҳи-

собланганда у ҳақда бир ёзувчи очерк ёзган экан. Ўша йили Зиёнат ака шу очеркни менга кўрсатди. Очерк қалин бир китобда бошқа очерклар қаторида чоп этилган. Булғор партизанлари билан Италия армиясида хайрлашиб, совет вакиллари иштирокида у Одессага қайтганида, ҳамма орденлари, совга қилинган қуроллари тортиб олинади. Аммо қамашмайди. Тошкентга келганида Зиёнат Хусанов ўзига қаҳрамон унвони берилганини эшитади. Ҳарбий комиссариатда, уни ҳарбий прокуратурага олиб бориб, қаҳрамонлик ҳақида гап очадиган бўлса — қамалишини, Сибирь томонига сургун қилинишини айтишади.

— Нега? — ҳайрон бўлади Зиёнат Хусанов.

— Асирда турк легионига кирганингиз бизга маълум. Фақат хоинларгина легионга киришган. Наҳотки, Туркистон Комитетининг бизга душманлигини билмаган бўлсангиз? — дейишади унга.

Шунда Зиёнат ака унинг ҳақида ўзини кўрмасдан, у билан бир марта ҳам гаплашмасдан очерк ёзган ёзувчини қидириб боради. Ёзувчи уни қабул қилмайди, «Бундай одамни танимайман», — дейди. Мен бу гапни

ўзидан эшитганим учун дадил ёзаяпман. Шундай қаламкашлар ҳам бор экан.

Мен Зиёнат Хусанов ҳақидаги ёзганларимни катта бир кинорежиссёрга кўрсатиб, шу одам ҳақида ҳужжатли фильм қилинса, яхши иш бўларди, дедим. У ўқиб кўриб, мактади. Ҳатто ким режиссёр бўлишини айтди. Аммо бу фильм Зиёнат Хусановга қаҳрамон унвони қайтарилганидан сўнг суратга олинди. Машҳур режиссёр ҳам ўша ёзувчи каби асирда бўлган одамга ёрдам беришни истамасди.

Зиёнат Хусановни ҳарбий прокуратурада Файзи Саидов билан учраштирилган. Прокурорми ё терговчиси, Зиёнат акадан Курск-Орёл воқеасини, асир тушиш сабабларини сўраб бўлганидан сўнг, Туркистон легиони масалаларига ўтган. Зиёнат ака бор гапни айтиб берган. Турк легионига ўз ихтиёри билан ўтганлар астойдил советларга қарши курашга ўзларини бағишламоқчи бўлганларни у эшитган, аммо кўрмаган, улар билан гаплашмаган.

— Нега? — ўзини соддаликка солиб сўрайди терговчи.

— Биз уларни тан олмасдик, улардан ҳазар қилардик, — жавоб беради Зиёнат ака. — Бизнинг асл ниятимиз имкон топиб юртимизга, Қизил армия сафига қайтиш эди.

— Саидов билан қачондан бери танишисиз?

Бу тўсатдан берилган саволдан Зиёнат Хусанов гангмайди. Фақат нима бўлганини тушунади. Худойбердиев бошлқ йигирма саккиз кишининг биронтасига ҳам совет органларида ишонч йўқ. Улар ҳам кўнгилли легионлар сингари совет давлатининг душманлари.

— Концлагерда. Черногорияда.

— Унинг офицерлигини биласиз. У одамларни, мусулмонларни, шу жумладан, сизни нимага тортиди, қандай ташвиқот юргизди?

— Ҳаммамиз каби унинг ҳам нияти битта эди. Лагердан қочиш.

(Давоми келгуси сонда)

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Шу ўринда ҳаётий ми-солларга эътибор қаратсак, 2021 йил 17 ноябрдан буён Чирчиқ шаҳар ҳокимининг ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиги лавозимида фаолият юритиб келган Ш.Шониёзов (исм-шарифлар ўзгартирилди) шаҳарда инвестиция сифатини юритиш, лойиҳаларни шакллантириш ва амалга оширишга кўмаклашиш ваколатига эга мансабдор шахс сифатида танилган, яхшигина обрў-эътибор орттирган эди. Аммо орадан атиги уч йил ўтиб-ўтмай у нафс қутқусига учиб, жиноий қилмишга қўл урди.

Бу ҳақида батафсилроқ фикр юритадиган бўлсак, фуқаро Ш.Холованинг билдиришича, у афғонистонлик инвестор — “Чингиз” исмли тадбиркорнинг 40 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция қилиб, шу туманда балиқ ва товуқ гўштини қайта ишлаш заводи қуриш режаси билан танишган, унга бу лойиҳа учун, тахминан, 20 гектар ер зарур бўлишини билган. Сўнг, аниқроғи, 2024 йил 24 майда Тошкент вилояти ҳокимининг қарори билан “Чирчиқ дала-қўув” майдони ҳудудидаги 60 гектар ер давлат захирасига олиниб, Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги билансизга ўтказилган ва электрон онлайн-аукцион орқали тадбиркорлик субъектларига ажратилиши белгиланган.

Қонунга кўра, ер фақат очиқ аукцион орқали бериларди. Бироқ Ш.Шониёзов ушбу 60 гектарлик ер майдонининг 20 гектарини аукционга чиқариш ва ғолиб бўлишда кўмаклашиш эвазига инвестордан ҳар сотих учун 1 000 доллар-

Жиноят ва жазо

Нафс қутқуси

жиноий жавобгарликка сабаб бўлди

дан — жами 2 миллион АҚШ доллари талаб қилган.

Буни қарангки, судда Ш.Шониёзов турли важларни рўқач қилиб, сувдан қуруқ чиқишга, ҳатто у шундай катта миқдордаги порага ўз ҳайдовчисини гумондор сифатида тикиштиришга уринди. Аммо судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмалари ҳақиқатга тўлиқ ойдинлик киритди. Хусусан, судланувчи Э.Хонтўраев инвестор ва ваколатли шахс ўртасидаги учрашувларни ташкил этганини тан олди. Унинг айтишича, Ш.Холова у билан биринчи марта учрашганда, унга темир ўриндиқ буюртма қилган, кейинчалик улар ўртасида жами қиймати 40 миллион долларлик инвестиция режаси ҳақида гап очилган. У ҳокимликда таништирувчи сифатида қатнашганини, аммо пул масаласига аралашмаганини билдирди. Бироқ у терговда Ш.Шониёзов дастлаб 2,5 миллион, кейинчалик 2 миллион АҚШ доллари талаб қилганини тасдиқлади.

Бундан ташқари гувоҳ тарихида сўроқ қилинган Ш.Холова судда дастлабки кўрсатмаларини тасдиқлаб, улар 2 миллион доллар талаб қилишганини, шундан 1 миллион долларни “планшет” деб шартли тилга олишганини, сўнг, у бу ҳақда Давлат хавфсизлик хизмати-га хабар берганини, 2024 йил 1 ноябрь куни 1 миллион АҚШ доллари-га махсус ишлов берилиб, махсус хизмат ходимлари назорати остида уларга



топширилганини қайд этди. Ҳақиқатан, ушбу пул ҳоким ўринбосарининг ҳайдовчиси орқали қабул қилинган пайтанда тезкор ходимлар томонидан ашёвий далиллар билан ушланган.

Суд муҳокамалари чоғида туман кадастр тизими ва ким-оши савдоси жараёнида бўйича гувоҳлар инвесторларга ер фақат белгиланган тартибда — электрон аукцион орқали берилишини, бу ҳақдаги маълумотларни коммисияга юбориш мажбурий эканини, бироқ ушбу 20 гектар ерни тизимдан ўчириш бўйича хат тайёрланганини баён қилишди. Бу кўрсатма ушбу 20 гектар ерни аукционсиз ўзлаштиришга уриниш бўлиганини тасдиқлайди, албатта.

Банк соҳаси вакиллари эса, инвестор томонидан устав фонди учун банк орқали расмий маблағ жойлаштириш бўйича таклиф билдирилганини таъкидлашди. Бундан кўринадики, аукционда қатнашиш мақсадида инвестор томонидан ушбу пулни банкка топшириш кўзда тутилмаган.

Келтирилган далиллардан яққол кўриниб турибдики, бу ишда икки қарама-қарши манзарада икки ҳолат ифодаси намоён бўлади: бир томонда — 40 миллион долларлик йирик сармоя ва юзлаб янги иш ўринлари ваъдаси; иккинчи томонда — 2 миллион долларлик поранинг иддаоси, яъни шахсий манфаат тамаси. Охир-оқибат судланувчи Ш.Шониёзов судни чалғитиш орқали жазодан қутулиб қолишга уриниб, яна бир хатога йўл қўйди. Башарти, у ўз айбини тан олиб, қилган ишидан пўшаймонлик билдирганида, бу ҳолат унинг айбини енгиллаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланар ва жазо миқдори-га сезиларли ижобий таъсир кўрсатарди.

Суд муҳокамаси давом этар экан, ҳақиқат тарозиси далиллар, гувоҳлар кўрсатмалари ва экспертиза хулосаларига суянди. Шунга кўра, судланувчи Ш.Шониёзов Жиноят кодексининг 210-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбдор деб топилиб, 12 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди ва 3

йил муддатга мансабдорлик ҳамда моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Шунингдек, жазонинг 2024 йил 1 ноябрдан, яъни айбланувчи ашёвий далиллар билан қўлга олиниб, унга нисбатан қамоқ эҳтиёт чораси қўлланилган кундан ҳисобланиши ва эҳтиёт чорасининг аслича қолдирилиши — тергов босқичидан бошлаб, қонуний тартибга қатъий риоя этилганини кўрсатади.

Э.Хонтўраевга нисбатан эса, 2 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланди. Суд унинг ушбу жиноий қилмишдаги иштирокини асосий ижрочидан фарқлаб, қонун доирасида баҳолади. Шу билан бирга, яшаш жойини тарк этмаслик, оммавий тадбирларда иштирок этмаслик, алкоголли ичимликлар ичиладиган жойларга бормаслик ва ҳоказо талаблар мисолидаги қўшимча чекловлар орқали унга нисбатан про-филактик таъсир чоралари қучайтирилди.

Хулоса қилиб айтганда, коррупция ва порахўрлик жамият тараққиётига жиддий тўсиқ бўладиган хавфли иллатлардир. Бу иллат қонун устуворлигига путур етказиб, халқнинг давлатга бўлган ишончини қайтариб бериш учун ҳар бир фуқаро ҳалоллик ва адолат тамойилларига амал қилиб, коррупцияга қарши курашда фаол иштирок этиши лозим. Фақатгина ҳамжиҳатлик ва онгли муносабат орқали соғлом ва адолатли жамиятни барпо этиш мумкин.

Арофат АЛИМОВА,
жиноят ишлари бўйича
Қўрай тумани суди судьяси

Мулоқот

Савол беринг,
жавоб берамиз

— Фуқаронинг ички ишлар идораси ходимининг қонуний талабига бўйсунмаслиги қандай ҳуқуқий оқибатларга олиб келади? Илтимос, шу ҳақида маълумот берсангиз?

Э. НУРАЛИЕВА,

Чиноз тумани

— Маълумки, ҳуқуқий давлатда ҳар қандай қонунбузарлик ҳолатлари қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли жавобгарликка сабаб бўлади.

Энди сизнинг саволин-гизга жавобан шуни айтиш керакки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 194-моддасига биноан, ички ишлар идоралари ходимининг ҳуқуқбузарлиқни тўхта-тиш, ҳужжатларни тек-шириш учун тақдими этиш, ички ишлар идораларига бориш ёки кўрсатилган муддатда ички ишлар идораларида бўлиш тўғрисидаги қонуний талабларини узрли сабабларсиз бажармаслик, транспорт воситасини тўхтатиш, жабрланувчи-ларга ёрдам кўрсатиш ҳақидаги қонуний талабларини бажармаслик ёхуд ички ишлар идоралари ходимининг қонуний талабларига бошқача тарзда бўйсунмаслик, худди шунингдек, жамоат тартибини сақлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш вазифа-ларини амалга ошираётган бошқа шахсларнинг қонуний талабларини бажармаслик — базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан сўнг бир йил давомида тақдоран содир этилган бўлса, жазо чораси қучайтирилган ҳолда, база-

вий ҳисоблаш миқдори-нинг ўн икки бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Шунингдек, транспорт воситаси ҳайдовчиси томонидан ички ишлар идораси ходимининг ёки ходимларининг транспорт воситасини тўхтатиш ҳақида берилган қонуний талабларини кетма-кет бир неча марта узрли сабабларсиз бажармаслик, транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан бир йил муддатга маҳрум қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бара-вари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Бундан ташқари Жиноят кодексининг 219-моддасига кўра, ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилиқ кўрсатиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бара-варидан юз бараваригача жарима ёки уч юз олтимиш беш соатгача ахлоқ туза-тиш иши ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жа-золанади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларни, қандай шаклда бўлмасин, ўзининг бур-чини бажаришдан воз ке-чишга, шунингдек, қонунга ҳилоф ҳаракатлар содир этишга мажбур қилиш — уч йилдан беш йилгача озод-ликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодлик-дан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланган.

— Айтинг-чи, автотранспорт воситасини маст ҳолатда бошқарган ҳайдовчига нисбатан қандай чора қўлланилади?

К. АҚБАРОВ,
Богот тумани

— Маълумки, транс-порт воситаларини маст ҳолатда бошқариш йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузишнинг оғир турларидан бири ҳисобланади. Шу боис Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 131-моддасига асосан, ҳайдовчилар томонидан транспорт воситаларини алкоголли ичимликдан мастлик ҳолатида ёки ги-ёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида бошқари-

ши — транспорт восита-ларини бошқариш ҳуқуқидан уч йил муддатга маҳрум қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг қирқ барава-ри миқдорида жарима со-лишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик транспорт восита-ларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахс томони-дан содир этилган ҳол-ларда, ҳайдовчига нисба-тан базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик ба-равари миқдорида жари-ма солинади ёки ўн беш сутка муддатга маъму-рий қамоққа олишга ҳукм чиқарилади.

Саволларга фуқаролик ишлари бўйича
Янгиқўрган туманлараро судининг
судьяси Б. АЛИМЖАНОВ жавоб берди.

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Олий судиБош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигидан 0224-рақам билан
рўхатдан ўтган.



ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Бахтиёр ИСЛАМОВ
Алишер УСМАНОВ
Акрам ШУКУРОВ
Шухрат ПОЛВАНОВ
Маликаҳон ҚАЛАНДАРОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ

Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Абдулҳалим ХОЛМАХМАТОВ
Ҳамид САДИНОВ
Муродулло ҚОДИРОВ
Замира ЭСАНОВА
Азиз АБИДОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Сахифаловчи:

Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзиллими: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота
кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-515 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 5750
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 20³⁰. Топширилди: 20⁰⁰.